

# The Effect of Active and Inactive Words in Use on the Speech Process

Tajieva Zuhra Kamalbaevna

Academic Lyceum of Tashkent State University of Economics,

Native Language Science Teacher, Independent Researcher



## Abstract

**In this article, active and inactive words used in the use of the Uzbek language, including euphemisms that have a positive effect on our speech, taboos or dysphemisms that have a negative effect, vulgarisms, barbarisms, have been discussed.**

**Keywords:** **euphemism, taboo, dysphemism, vulgarism, barbarism, slang, dialect, speech culture.**

Барчамизга маълумки, маданият тушунчаси ниҳоятда кенг тушунча ҳисобланади. Масалан, кийиниш маданияти, овқатланиш маданияти, умуман олганда, маданият жамият ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган деярли барча жараёнларни, йўналишларни, ҳодисаларни ўз ичига қамраб олади. Юқорида санаб ўтилган маданият турлари ичida алоҳида эътибор ва дикқат талаб қиласидан инсоннинг ўзлигини намоён қиласидан маданият турларидан бири бу – нутқ маданиятидир. Нутқ маданияти – инсоннинг ботиний гўзаллигини намоён қилувчи маданиятдир.

Нутқ маданияти жамият ҳаётининг, жамият маданиятининг ўта муҳим, ажralmas таркибий қисми, муайян белгиси, кўриниши сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир. У фикр алмашиш, муомала, сўзлаш каби кундалик, доимий, зарурий жараёнларни ўз ичига олади, уларни “бошқарадиган” таъсир қилиш қувватига эга бўлади. Демак, нутқ маданияти нутқ билан, нутқ фаолияти билан бевосита боғлиқ экан, тил нима, нутқ нима деган саволларнинг келиб чиқиши мутлақо табиий ва мантиқийдир. Тил ва нутқ ўзаро диалектик боғлиқ ижтимоий-тарихий, ижтимоий-психик ҳодисалар бўлиб, тил алоқа қуроли сифатида, нутқ эса алоқа усули сифатида мавжуддир.

Нутқ - бу тил деб аталувчи, ижтимоий индивидуал ноёб қуролдан фойдаланиш жараёни, тил бирликлари, имкониятларининг объектив боғлиқ, тафаккур ҳамда вазият билан ўзаро зарурий, домий муносабатда намоён бўлишидир.

Ўзбек тили луғатида нутқ маданиятимизнинг янада бойишига ёки нутқимизнинг янада “қашшоқлашиш”ига сабаб бўладиган сўзларимиз мавжуд. Биз бундай сўзларни тилишуносликда қўлланилиш доираси чегараланган ёки фаол ва нофаол сўзлар деб атаймиз.

Бизнинг нутқимизга бундай сўзларнинг қайси турлари тингловчига ижобий, қайси турлари эса салбий таъсир ўтказа олишини, албатта, сўзловчи сифатида билишимиз шарт. Маданий гапиришга интилиш тушунчаси барча халқларда қадимдан мавжуддир. Бу тушунча муайян алоқадор тушунчадир. Демак, нутқ маданияти тушунчаси ҳар бир халқ тили ва маънавиятини белгиловчи етик ва эстетик ҳодисадир.

Нутқ маданияти фақатгина адабий тилни онгли ва мақсадга мувофиқ меъёрлашга қаратилган ҳаракатларгина эмас, балки инсонларга маълум “тил диди”ни тарбиялашга хизмат қилувчи фаолият ҳамдир.

Келинг, юқорида таъкидлаб ўтилган чегараланган ёки фаол ва нофаол сўзларга нималар киради, шу хусусида бироз тўхталиб ўтсак. Демак ўзбек тилида сўзларни қўлланилишига кўра икки турга ажратамиз:

- қўлланилиш доираси чегараланмаган сўзлар;
- қўлланилиш доираси чегараланган сўзлар.

Қўлланилиш доираси чегараланмаган сўзлар сирасига ҳар қандай услубларда ҳам bemalol ишлатиш мумкин ва барча учун тушунарли бўлган сўзларни киритишимиз мумкин. Масалан, ота, она, ватан ва бошқалар.

Қўлланилиш доираси чегараланган сўзларнинг ўзи икки гурухга бўлиниади: худудий чегараланган сўзлар, яъни шевага хос сўзлар (адабий тилда том, мард айrim шеваларда учак, fўch) киради; ижтимоий чегараланган сўзларга: жаргон, арго, варваризм, вулгаризм, табу, эскирган сўзлар, эвфемизм, дисфемизм каби сўзларни киритишимиз мумкин. Биз қўлланилиш доираси чегараланган сўзларни ҳар доим ҳар қандай услубда, умуман олганда, ҳар қандай жойларда эркин ишлата олмаймиз. Бундай сўзларнинг айримларини нутқ жараёнида тўғри қўллашимиз нутқимизнинг янада чиройли ва таъсирчан бўлишини таъминласа, айримлари нутқимизнинг янада дағаллашишига, умуман олганда, тингловчига салбий таъсир қилишига сабаб бўлади. Айрим инсонларнинг нутқида сўзларни ноўрин қўллаш ҳолатлари учрайди. Сўзларни англаш, фарқлаш, танлаш ва қўллаш билим ва фаросатни талаб қиласди. Ўринли ва ноўрин қўллашни аниқлаш учун ҳам билим, фаросат ва мантиқий тафаккур тақозо этилади, албатта. Масалан, нутқда „*Икки киши гап талашиб қолишибоди*“ жумласида *талашибоқ* сўзи ноўрин қўлланган. Улар ўрнига гапларни „*Улар тортиниб қолишибоди*“ дейиш фаросатдан дарак беради.

Маданий нутқнинг ўз қоидалари бор. Нутқда айрим тушунчаларни жамият маданий меъёрларига кўра очиқ айтиш мумкин эмас. Бу нутқий „такиқ“, яъни табулар дейилади. Улар ўрнига „юмшоқ“, „коғозга ўралган“, яъни маданий ифодалар қўлланади. Нутқдаги „такиқ“лар қўркув асосида (чаён сўзи ўрнида *гажсак*, ўлмоқ сўзи ўрнида *кетмоқ* сўзлари қўлланиши), уят асосида (*туғмоқ* – *фарзандли бўлмоқ*, хурмат асосида (*сен-сиз*, *бор-боринг* каби) бўлади.

Маданий нутқ соҳиби ўз фикрини чиройли ва киши кўнглига оғир ботмайдиган қилиб ифода этади. Фикрни оғир ботмайдиган, тингловчига малол келмайдиган қилиб ифодалаш воситалари **эвфемизм** дейилади, яъни „юмшоқ гапирмоқ“. Масалан, ёмон бўлибди дегандан кўра яхши бўлмабди дейиш, *касал* ифодасидан кўра *мазаси* йўқ дейилса, киши кўнглига қаттиқ ботмайди. Эвфемизмни ўринли қўллаш кишининг маданиятилигини билдиради. Масалан, биз ўзбек халқида турмуш ўртоғининг исмини айтмаслик (масалан, *дадаси*, *дадажониси*, *ойиси* дейиш ёки катта фарзандининг исми билан чақириш), сизлаш

кабиларни ҳам эвфемизм намунаси сифатида кўрсатишими мумкин. Нутқимизни бундай сўзлар билан бойитсан, биз, албатта, тингловчида ўзимиз ҳақимизда ижобий хулоса қолдирамиз. Аммо бунинг акси сифатида биз инсонлар нутқида бот-бот қўпол сўзларнинг ишлатилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Тилшуносликда бундай сўзларни дисфемизм деб юритамиз.

Эвфемизмнинг акси, “қўпол гапириш” **дисфемизм** дейилади. Масалан, ёмон бўлибди тушунчаси учун қўлланган *расво бўлибди*, касал тушунчаси учун қўлланган *дард урибди* ифодалари ёки ёши катта инсонларга нисбатан *қари*, *чол*, *камтири*, *шарти кетиб*, *парти қолган*, *бир оёги ерда*, *бир оёги гўрда* сўзлари дисфемизмга мисол. Албатта, бундай сўзлар инсонга ўз салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Нутқда дисфемизмни қўп қўллаш ўша инсоннинг маданиятсиз эканини кўрсатади.

Демак, дисфемизм ва эвфемизм икки чеккада, бетараф ифода эса улар ўртасида туради: *жони чиқди – ўлди – узилди* каби.

Нутқнинг аниқ ва равshan бўлиши, аввало, сўздан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Сўзни ўз ўрнида тўғри ишлата билиш учун унинг лексик маъносини ҳар бир инсон, албатта, англаши шарт. Сўзниг лексик маъносини тушунмаслик уни нутқ жараёнида хато қўллашга олиб келади.

Буюк алломалар сўз хусусида шундай дейишган: «Сўз барча фактлар, барча фикрлар либосидир» ёки «Агарда бирор нарсани аниқ ифодалай олмас эканмиз, бунда тилимиздан эмас, балки укувсиз маҳоратимиздан гина қилишимиз керак». Албатта, нутқимиз давомида ишлатилаётган сўзларимизга алоҳида эътибор беришимиз шарт. Буюк шоиримиз Мир Алишер Навоий ҳам “Тилга эътибор – элга эътибор”, -деб алоҳида бекорга таъкидлаб ўтмаганлар. Нутқимизда ишлатилаётган сўзларга фақат тилшунос сифатида қайғуришимиз керак эмас, балки ўз ҳалқимиз асрлар оша ўз миллийлигини йўқотмасдан яшаб қолиши учун ҳам нутқимизга эътиборли бўлишимиз зарур. Ҳаттоқи, ҳар бир ота-она ҳам фарзандларининг нутқида қандай сўзлар ишлаталаётганлигига эътибор қаратиши ва унинг нутқ маданияти тўғри ривожланиши учун ҳаракат қилиши шарт. Ўтмишга эътибор беринг, буюк шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўғли Хумоюнга ёзган мактубларидан бирида ўғлининг фикрнинг равонлиги ва аниқлигига риоя қилмаганлигидан ташвишланиб, «хатингни худ ташвиш билан ўқиса бўлади... Мундин бери бетакаллуф ва равshan ва пок алфоз била бит, ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур, ҳам ўқиғувчига», -деган эди. Ҳар бир киши она тилини мукаммал эгаллаши, унинг назарий ва амалий асосларидан хабардор бўлиши керак, чунки ҳар бир инсон ўз она тилининг софлигини сақлаб қолишида масъулдир ва бу, албатта, унинг бурчи ҳамдир.

Бундан ташқари нутқимизнинг таъсирчанлигига, унинг софлигига путур етказувчи вулгаризм ва варваризм каби нофаол сўзларимиз ҳам бор. Вулгаризмлар - ҳақорат маъносида қўлланадиган сўзлар. Бундай лексемалар ёки уларнинг вулгар маънолари адабий тил бирлиги саналмайди, уларни қўллаш нутқ маданиятига хилоф деб қаралади, аммо бадиий асар тилида бундай сўзлардан услубий восита сифатида фойдаланилади. Ушбу лексик қатлам сўзларида қўп ҳолларда экспрессивлик ифодаланади, яъни бундай сўзлар асосан сўзлашув нутқига хос бўлиб, муаллифлар томонидан экспрессивлик ҳосил қилиш учун ишлатилади. Бундай сўзлар бадиий асарларда қаҳрамон тилини индивидуаллаштириш мақсадида ишлатилади. Яъни образнинг ўзига хос характерини очиб беришга

йўналтирилди. Вулгаризмларда ўта салбий муносабат, камситиш, менсимаслик, ҳақорат каби бир қатор ифода семалари жуда очиқ кўриниб турган бўлади. Нутқимизда мавжуд бўлган сўзлар ўрнида, яъни айнан шу маънони ифодаловчи муқобил вариант ўз тилимизда ҳам мавжуд бўлса-да, бошқа тилларга мансуб бўлган сўзларни баъзан ноўрин ишлатамиз. Бундай сўзларни тилшуносликда варваризм деб юритамиз. Мисол тариқасида, ота ўрнида “пахан”, кайфият сўзи ўрнида “настроение” ёки ука ўрнида “браташка” каби юзлаган мисолларни келтиришимиз мумкин. Нутқ жараёнида ноўрин кўлланилган айрим рус тилидан ёки инглиз тилидан олиниб ишлатилаётган бундай сўзлар бизнинг маданиятли эканлигимиздан эмас, аксинча, нутқий томондан маданиятсиз эканлигимиздан дарак беришини унутмаслигимиз шарт. Шундай экан, фикримизни ўзгаларга етказиш давомида қўллаётган сўзларимизга доим эътиборли бўлишимиз ва нутқий томондан маданиятли инсон эканлигимизни кўрсатишга харакат қилишимиз зарур.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси, адабий норма типлари. 2-қисм, Тошкент, 2018.
2. Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси. Самарқанд, 2012.
3. А. Нурмонов, А. Собиров, Ш. Юсупова. Ҳозирги ўзбек адабий тили – Т.: Илм-зие нашриёти, 2010-йил.
4. Р. Сайфуллайева, Б. Менглиев, Г. Боқиева, М. Абзалова. Ҳозирги ўзбек адабий тили, Т.:Faafur Fулом нашриёти, 2006-йил.